

“Тасдиқлайман”

Вилоят ҳокимининг ўринбосари,
Хотин-қизлар қўмитаси раиси
С. Абдиқаримова
2013 йил



**Хоразм вилоят ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси,
Котибият мудирининг вазифалар тақсимоти**

Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хотин-қизлар жамоат ташкилотларини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг меҳнат фаолиятини юксалтириш, хотин-қизларнинг эҳтиёжларини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ахволини яхшилаш, уларнинг оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги ўрнини ошириш. Хотин-қизларнинг диний тушунчаларини оширишда қўмаклашиш, уларнинг маънавий интеллектуал касбий салоҳиятини юксалтириш.

Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларга ҳамда ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик ишларига раҳбарлик қилади;

Оилада маҳалла ва меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг мавқеини ошириш борасидаги давлат сиёсатини юритиш, аёлларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, давлат ва нодавлат ташкилотларининг шу масалаларга оид фаолиятини ва ҳаракатларини мувофиқлаштиради, корхона, ташкилот ва муассасаларда аёлларнинг ижтимоий муҳофазасини оширишда иштирок этади.

Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибият фаолиятига раҳбарлик қилади, хотин-қизлар қўмитаси ишларини ташкиллаштиради.

Хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассисининг вазифалар тақсимоти:

Маҳаллалар, ўқув муассасалари, меҳнат жамоаларида аёлларнинг юксак ватанпарварлик, миллий ва диний бағрикенглик руҳида тарбиялаш, бегона диний оқимларга қарши курашга оид тарғибот ишларини ташкил этади, аёллар ўртасида жамиятимизга зид ғоялар тарқалишининг олдини олиш чораларини кўради.

Хотин-қизлар репродуктив саломатлигини яхшилаш, улар ўртасида оммавий спорт турларини ривожлантириш, ушбу соҳага хомийларни жалб этиш масалалари билан шуғулланади.

Аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масалалари билан шуғулланади.

Хотин-қизларни маънавий, ижтимоий ва касбий жihatдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этишга йўналтирилган тадбирларни уюштиради.

Хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий ва жисмоний камолотини таъминлашга, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга оид тадбирларни ташкил қилади.

Беркитилган ташкилотлар

- вилоят “Оила” илмий-амалий маркази;
- вилоят “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси;
- вилоят “Тўмарис” жамғармаси;
- “Соғлом авлод учун” халқаро ҳайрия жамғармаси вилоят бўлими;
- вилоят “Тадбиркор аёл” уюшмаси;
- “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамғармаси вилоят бўлими;
- вилоят “Нуроний” жамғармаси;
- вилоят “Ногиронлар” жамияти
- вилоят “Кўзи ожизлар” жамияти;
- вилоят “Қизил ярим ой” жамияти;
- “Олима аёл” уюшмаси вилоят бўлими;
- “Интербилим” аёллар ва болаларни қўллаб-қувватлаш маркази;
- “Хамдард” аёллар маркази;
- “Истикбол” аёллар маркази”
- “Соғлом оила” репродуктив саломатлик ташкилоти;
- “Меҳригиё” аёллар маркази;
- “Она меҳрибон” аёллар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази;
- “SOS” болалар маҳаллалари Ўзбекистон ассоциацияси вилоят филиали;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарорлари, вилоят ҳокими қарорлари ҳамда фармойишлари ижросини мажмуа котибияти аппарати, ўз тасарруфидаги ташкилотлар ва идораларда такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш масалалари.

«Тасдиқлайман»

Хоразм вилояти ҳокимининг
ўринбосари

_____ Р.Рўзметов
«___» январь 2012 йил

Хоразм вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш, коммуникациялар,
коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари
мажмуаси ходимларининг

ИШ ТАҚСИМОТИ

1. Котибият мудирини (Б.Алланазаров)

-мажмуа умумий масалалар бўйича фаолиятига раҳбарлик қилади;

-вилоят ҳокими ва ҳокимнинг ўринбосарлари раислигида ўтказиладиган йиғилиш ва муҳокамаларда (селектор йиғилишларида) иштирок қилади;

-вилоят ҳокими ва ҳокимнинг ўринбосарларига мажмуа мутахассислари томонидан тайёрланган маълумотларни таҳлил қилиб киритади;

-вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда, маълумотларни таҳлил қилишда муаммоларни бартараф қилишда таклифлар киритишда иштирок қилади;

-вилоят ҳокимлиги қарор ва фармойишлари билан тасдиқланган таркибдаги ишчи гуруҳларга раҳбарлик қилади ва комиссияларда ўринбосар (ўринбосар бўлмаганда раис) сифатида иштирок қилади;

-мажмуага тегишли бошқармалар, компаниялар, корхоналар ва ташкилотларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар беради ҳамда улардан сўров тариқасида зарур бўлган маълумотларни олади.

-мажмуага тегишли бошқармалар, компаниялар, корхоналар ва ташкилотларга кадрлар заҳирасини шакллантириш ва вилоят ҳокимига таклифлар киритади;

-мажмуанинг йиллик ва чорақлик иш режаларини ишлаб чиқиб, раҳбариятга киритади ва бажарилишини назорат қилади.

Буюртмачилар: вилоят ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси, "Қишлоққурилишинвест" ИШИК нинг вилоят филиали фаолиятини мувофиқлаштиради.

2. Бош мутахассис (А.Уразметов)

-бўлимга тегишли ташкилотлардан умумлаштирилган маълумотларни етакчи мутахассис ва референт орқали олиб, умумлаштирилган ҳужжатларни тайёрлаб котибиятга ҳамда ахборот-таҳлил гуруҳига киритади.

-вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари, котибият мудир раислигида ўтказиладиган йиғилиш ва муҳокамаларга (селектор йиғилишларига) таҳлилий ахборотлар тайёрлайди;

-вилоятда саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлайди, саноат корхоналари фаолиятини мувофиқлаштиради, уларга ёрдам беради.

-коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ислоҳатларни чуқурлаштириш борасидаги қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни бажарилишини таъминлайди. Муҳандислик таъминоти тизимлари доимий ишлашини таъминлайди.

Курилиш индустрияси таркибидаги ишлаб чиқарувчилар ва таъминотчилар тизимидаги ишларни мувофиқлаштириб боради.

Куйидаги вилоят ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб боради:

-Курилиш соҳасида: вилоят ихтисослаштирилган таъмирлаш-курилиш корхоналари уюшмаси;

-Саноат ва ишлаб чиқаришда: "Урганч ўт ўриш машиналари" АЖ, "Хоразм-Феруз" ОАЖ, "Хоразм гиламлари" МЧЖ, "Хоразм шакар" ОАЖ, "Коттон-текс" КК, "Бофот текстил" КК, "Мурувваттекс" МЧЖ, Кока-кола Тошкент ЛТД Урганч филиали;

-Коммунал соҳасида: "Урганчтрансгаз" ШК, "Шимолгазтаъминоти" УК вилоят бошқармаси, "Хоразмэлектртармоқлари" ОАЖ, Шимолӣ-ғарбий магистрал электр тармоқлари корхонаси, "Туямуйин-Урганч" минтакалараро сув кувурларидан фойдаланиш бошқармаси, "Хоразм Иссиқлик манбаи" ОАЖ, "Ўздавнефтгазинспекция" вилоят бўлими, "Ўздавэнергияназорати" вилоят бўлими, "Саноатконгеокадастр" вилоят бўлими, Туямуйин ГЭС, Вилоят уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, "Хоразмчирок" ДК, "Урганч иссиқлик манбаи" МЧЖ, "Хоразм Оби-Хаёт ЛТД" МЧЖ;

-Таъминот соҳасида: "Урганч нефт база" УК, "Хоразмавтотеххизмат" ОАЖ, "Хоразм кўмир етказувчи" дистрибуторлик маркази, "Самхоз шифер" МЧЖ

3. Етакчи мутахассис (Қ.Шарипов)

Транспорт ва алоқа соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш чоратадбирларини амалга оширади. Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини шакллантириш, вилоятда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш масалаларини мувофиқлаштиради.

Мажмуада ўтказиладиган йиғилишларни (селектор йиғилишларини) ташкил қилиш, қатнашувчиларни келишини таъминлаш ва рўйхатга олиш, йиғилиш баённомаларини ёзиб раҳбариятга тақдим қилади.

-кундалик тезкор маълумотларни раҳбариятга киритиб боради;

-бўлимга келган ҳужжатларни, маълумотларни кирим чиқимини қайд қилиб, умумий бўлим билан биргаликда иш юритади;

-Ҳукумат қарорлари, фармойишлари ва улар асосида қабул қилинган вилоят ҳокимининг қарорлари, фармойишлари ва баённомаларига назорат жилдларини очиб, мужассамлаштириб боради.

Вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси, вилоят синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси;

-Транспорт соҳасида: "Ўзавтодарётранс" агентлиги вилоят бўлими, "Хоразмтранс" автомобил ва йўловчи ташиш уюшмаси, "Ўзбекистон темир йўллари" Кўнғирот темир йўл узели Хоразм ҳудуди, "Урганч" халқаро аэропорти, вилоят "Троллейбус" бошқармаси;

-Алоқа соҳасида: Ўзбекистон ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар агентлигининг Хоразм ҳудуди бошқармаси, "Хоразмтелеком" филиали, "Уздунробита" хорижий корхонаси "Юнител" МЧЖ Билайн, "Хоразм почтаси" ОАЖ, "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ;

-Тайёрлов соҳасида: "Хоразм иккиламчи кора металлар" ШК, "Тошрангметзавод" Хоразм-2 филиали, "Иккиламчиресурс" МЧЖ.

4. Референт (К.Шамуратов)

-мажмуага тегишли бошқармалар, компаниялар, корхоналар ва ташкилотлардан зарур бўлган ҳужжатларни олиш ишларини амалга оширади;

-вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, котибият мудирининг раислигида ўтказиладиган йиғилиш ва муҳокамалар (селектор йиғилишлар)га тадбирларга, мажмуага тегишли бошқармалар, компаниялар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг (раҳбар бўлмаганда уларнинг ўринбосарларини) иштирокини таъминлайди;

-капитал қурилиш соҳасида ислоҳатларни чуқурлаштириш, қурилиш субъектлари ўртасида бозор муносабатларини жорий этиш, пудрат ва лойиҳа ишларини шакллантиришда иштирок этади.

-инвестиция дастурларига мувофиқ қурилишлар манзилли рўйхатларини шакллантиради, бюджет маблағлари ҳисобига барпо этиладиган объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширилишини назорат қилади.

-Назорат инспекциялари: вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, вилоят давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси, қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази, вилоят идоралараро экспертиза бошқармаси, Ўзгеоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат корхонаси Хоразм филиали, лойиҳачи ва пудрат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради.